

ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ БУЙИЧА ФОТО ХИСОБОТ

“ДУНЁНИ ЁРЎИНРОҚ КЎРИНГ”

2016 йил октябр ойида “POSCO DAEWOO” корпорацияси, “VISION CARE” Корея ташкилоти, ва “SOG’LOM AVLOD UCHUN” нодавлат ташкилоти томонидан хайрия акцияси утказилиши тугрисида маълум қилинган эди.

Ўтказилиш жойи: Фарғона шаҳар, Вилоят Куз касалликлари шифохонаси.

Муддати: 07-11.11.2016 йил (Фарғона).

Лойиха мазмуни: Фарғона шаҳри ва Фарғона вилояти туманларида яшовчилар учун хайрия асосида куз касалликларини диагностика қилиш ва офталмологик жаррохлик амалиётини ўтказиш.

ДТФнинг барча фабрикаларида, ўтказиладиган хайрия акцияси ҳақида эълонлар берилган.

04.11.2016 йилигача Вилоят офталмология шифокорлари томонидан катаракта билан касалланган беморлар сараланди ва тезкор ёрдамга муҳтож беморларга олдиндан ташхис қўйилди.

Шунингдек Фарғона вилоятининг туман шифокорлари томонидан ҳам эҳтиёжманд беморлар танланди. Жами: олдиндан ўтказилган текширувлардан кейин 80 дан ортиқ беморлар куриқдан утказиш учун саралаб
олинди.



07.11.2016 йил Фарғонага корейнинг “VISION CARE” ташкилотидан 14 нафар шифокор ва кўнгиллилар делегацияси, ҳамда 2 нафар “SOG’LOM AVLOD UCHUN” нодавлат ташкилоти ходимлари билан биргаликда етиб келдилар.

Хайрия акциясини ўтказиш, диагностика ва жаррохлик амалиётларини амалга ошириш учун шифокорлар жамоаси энг замонавий медицина жихозларини ва дори дармонларни олиб келишди.

5 кун давом этган хайрия акциясида, касалхонада “Daewoo Textile Fergana” хорижий корхонасининг 15 нафар ходимлари кўнгиллик сифатида иштирок этишди.

Кўнгилликлар вазифаларига қуйидагилар кирди:

1. Хайрия акциясини ташкиллаш жараёни;
2. Беморлар навбатидаги тартибни сақлаш, беморлар рўйхатини тузишда кўмаклашиш;
3. Шифокорлар ва беморлар ўртасидаги суҳбатни таржима қилиш, диагностика жараёнида ва жаррохлик амалиётидан кейин беморларга ёрдам, беморларга дориларни қўлланилишини тушунтириша;
4. Шифокорлар жамоасини озиқ – овқат билан таъминлаш, шу билан бирга навбатда турган беморларга ва уларнинг яқинларига сув тарқатиш.

“Daewoo Textile Fergana” Корхонасининг Маъмурий ва Молиявий ишлар бўйича директори жаноб Сон Вон Кёнг бутун акция жараёнини назорат қилиб турди. Корхона президенти жаноб Ким Ил У ҳам ушбу хайрия акциясида фаол иштирок этди.



Республика ва вилоят телерадиоканалларида ушбу хайрия лойихаси хақида батафсил дастурлар тайёрланиб намоиш этилди.



ЎТКАЗИЛГАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ НАТИЖАЛАРИ:

4 кун давомида “VISION CARE” шифокорлари 1059 дан ортик беморларни текширувдан ўтказишди (кўпчиликка кўз нурини химоялаш учун дори дармонлар ва кўзойнаклар ёзиб берилди ва тарқатилди) ва катарактани олиб ташлаш ҳамда кўз гавхарини алмаштириш бўйича 141 та жаррохлик амалиётлари ўтказилди.



Хайрия акцияни охириги кунда, яқунлар бўйича умумий йиғилиш ўтказилди. Йиғилиш охирида, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, “Sog’lom Avlod Uchun”, Фарғона Вилоят Кўз касалликлари касалхонаси ва “Daewoo Textile Fergana” вакилларига “Vision Care” ташкилоти томонидан Ташаккурномалар тақдим этилди.



Жаррохлик амалиётлари сўнгида беморлар, бепул даволаниш имконияти ва кўз нурларини қайтарилганлиги учун ташриф буюрган шифокорлар жамоасига ҳамда кўнгиллик сифатида қатнашган ишчи ходимларга миннатдорчиликларини изхор этишди. Миннатдорчилик сифатида Кореялик шифокорлар ва ташкилотчиларга Фарғона вилояти ҳамда “Sog’lom Avlod Uchun” ташкилоти томонидан эсдалик совғалар тақдим этилди.



Шунингдек, “Vision Care” ташкилоти вакиллари Фарғона вилояти Кўз касалликлари касалхонаси бош ҳакими ва барча ходимлари, ҳамда “Daewoo Textile Fergana” ходимларига хайрия акциясини ўтказишда ёрдамлари учун миннатдорчилик билдиришди.